

**NATURE OF JIZZAKH REGION AND WAYS TO PROTECT IT***Feruzza Raimqulova**Master Student**Jizzakh State Pedagogical University***ABOUT ARTICLE**

Key words: Geographical location, terrain, climate, sharply continental, desert, steppe, phenomenon, rational use, nature protection.

Abstract: In this article, the natural geographical location and nature of Jizzakh region is studied in all aspects, and proposals and recommendations for their protection are developed.

Received:**Accepted:****Published:****ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ТАБИАТИ ВА УНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ***Феруза Раимқулова**Магистрант**Жиззах Давлат Педагогика Университети***МАҚОЛА ХАҚИДА**

Калит сўзлар: Географик ўрни, рельефи, иклими, кескин континентал, чўл, дашт, феномен, оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш.

Аннотация: Мазкур мақолада Жиззах вилоятининг табиий географик ўрни ва табиати ҳар томонлама ўрганилган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

ПРИРОДА ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ И СПОСОБЫ ЕЕ ОХРАНЫ*Феруза Раимқулова**Магистрант**Джиззакский государственный педагогический университет***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: географическое положение, рельеф, климат, резко континентальный, пустыня, степь, явление, рациональное использование, охрана природы.

Аннотация: В данной статье всесторонне изучено природно-географическое положение и природа Джиззакской области, разработаны предложения и рекомендации по их охране.

КИРИШ

Жиззах вилояти Ўзбекистоннинг марказий минтақасида жойлашган бўлиб, унинг географик ўрни улкан иқтисодий-ижтимоий ва табиий имкониятларни туғдиради. Жумладан, иқтисодий географик ўрнининг муҳим хусусиятларидан бири – республикамиз

миқёсида энг ривожланган Фарғона ва Тошкент минтақалари билан Ўзбекистоннинг жанубий, жануби-ғарбий ва шимолий минтақалари ўртасида жойлашганлиги, шунингдек, бу ердан уларни боғлаб турувчи магистрал йўллар ўтганлигидадир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жиззах вилояти шимоли-шарқдан Қозоғистон республикаси (162 км), шарқ томонидан Сирдарё вилояти, жануби-шарқдан Тожикистон республикаси (303 км), жануби-ғарбдан Самарқанд вилояти ва ғарбдан Навоий вилояти билан чегарадош бўлиб, шимолдан жанубга 175 км, ғарбдан шарққа 150 км га чўзилган.

Вилоят ҳудудининг майдони 21,2 минг км² бўлиб (республика маъмурий ҳудудлари Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидан кейин бешинчи ўринда туради), бу мамлакат умумий майдонининг 4,5 фоизини ташкил этади. У майдонининг катталиги жиҳатидан Осиё қитъасидаги Исроил, Қувайт ва Ливан каби мамлакатларидан олдинда туради.

Жиззах вилояти рельефи академик Қ.Зокиров томонидан ажратилган 4 та баландлик минтақалари (чўл, адир, тоғ ва яйлов) шимоли-ғарбдан жануби-шарқга томон алмашилиб келади. Вилоят жанубида Туркистон тизмаси ва унинг тармоқлари (Зоминтоғ, Молгузар ва Чумқор тоғлари), ғарбини Нурота тизмасининг шарқий қисми эгаллаган. Шимолий, шимоли-ғарбий қисми (Мирзачўл ва Қизилқум чўлининг жануби-шарқи) текисликдан иборат.

Вилоят иқлими кескин континентал бўлиб, январнинг ўртача ҳарорати - 1 °С дан - 4 °С гача, июль ойини ўртача ҳарорати эса + 28 °С ни ташкил этади. Тоғ олди иқлими, чўл ва даштларга нисбатан юмшоқроқ. Йиллик ёгин миқдори вилоят жанубида 400-500 мм, шимолида 250-300 мм. Вегетация даври 210-240 кун. Қуёшли кунлар давомийлиги 2800-3000 соатни ташкил этади. Энг йирик дарёлари – Сангзор ва Зоминсув, шунингдек, тоғлардан оқиб тушувчи 100 яқин катта ва кичик сойлар ҳам мавжуд.

Тоғ ёнбағирларида ёввойи жийда, арча, бодом, ёнғоқ, наъматак, зира, ровоч, зирк каби ўсимликлар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан оқ тирноқли айиқ, чиябўри, тулки, қуён, қобон, бўрсик ва жайра учрайди. Бургут, лочин, қора турна, булдуруқ, тувалоқ, тустовуқ, қирғовул, ёввойи ўрдак, каклик каби қушларнинг 150 дан ортиқ тури мавжуд.

Вилоятда табиатни муҳофаза қилиш мақсадида Зомин миллий табиат боғи, Зомин ва Нурота давлат кўриқхоналари ҳамда Арнасой орнитология буюртмахонаси ташкил қилинган. Тарихий ва табиий ёдгорликлар (Амир Темур ғори, Сайхонсой қоятош расмлари, Пешоғор ғори, Хонбанди тўғони) га ҳам бой ҳудуд ҳисобланади. Жиззах вилояти алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг сони ва эгаллаган майдонига кўра, республикамиз вилоятлари орасида олдинги ўринлардан бирида туради.

Вилоят ҳудудида таркибида темир, олтингугурт, водород, радий, кремний кислотаси, карбон гази ва ишқор бўлган шифобахш минерал сувларига бой. Ғаллаорол, Янгиобод ва Мирзачўл туманларида бальнеологик санаторийлар фаолият кўрсатади. Сульфат-хлорид натрийли Чимқўрғон балчиғидан физиотерапия ва даволаш-профилактика муассасаларида фойдаланилади.

Жиззах вилоятида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, кўпгина муваффақиятларга эришилди ва бу соҳадаги ислохотлар ҳар томонлама ривожлантирилмоқда.

Сўнгги йилларда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълимда экология ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари билан таълим-тарбия масалаларининг ҳамоҳанглигига эътибор кучайиб, янги талаблар қўйилмоқда. “Табиат-аҳоли-хўжалик” учбирлиги (триада) тизимида юзага келаётган маҳаллий муаммоларни олдини олиш орқали минтақавий ва сайёравий экологик муаммоларни бартараф этиш мумкинлигини ўқувчи ва талабаларга тушунтиришга, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга кўп меҳнат ва маблағ сарфланмоқда. Бу ишларни ҳар бир инсон онгли равишда бажармоғи лозимдир.

Ўзбекистонда биологик хилма-хилликка бой бўлган бир неча ҳудудлари бўлиб, улар орасидан, шубҳасиз, табиатининг ранг-баранглиги билан Жиззах вилояти алоҳида ажралиб туради. Вилоят ҳудудида 4 та баландлик минтақалари, яъни чўл, адир, тоғ ва яйловнинг ҳам мавжудлиги ёки бўлмаса тоғ, кўл ва чўл (Нурота, Айдар-Арнасой ва Қизилқум) табиат комплексларини ёнма-ён жойлашишининг ўзи – бу муҳим табиий географик **феномен**дир.

Мафтункор табиатга эга бўлган Жиззах вилоятида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширмоқда. Жумладан, вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан Фориш ва Мирзачўл туманлари ҳудудида чўлланишга қарши курашиш мақсадида бир неча юз гектар майдонга саксавуллар экилди.

Жиззах вилояти табиатидаги ўзгаришларни узоқ вақт давомида кузатиш ва ўрганишлар натижасида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги баъзи бир таклиф ва мулоҳазалар туғилди. Жумладан:

- вилоятдаги турли-туман ландшафтларнинг табиий ва антропоген омиллар таъсирида ўзгариш даражасига қараб экологик районларга ажратиш ва схематик картасини ишлаб чиқиш;

- вилоят ҳудудидаги мавжуд табиат ёдгорликларини аниқлаш, рўйхатга олиш ва уларни муҳофаза қилишда маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- вилоятдаги алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва табиат ёдгорликларнинг схематик картасини тайёрлаш ва ушбу ҳудудларда экотуризм ривожлантиришнинг режаларини ишлаб чиқиш лозим;

- эркин индустриал зонага айланган Жиззах шаҳри (2012) нинг атмосфера ифлосланиш муаммоси, доимий шамол эсувчи ҳудудлардаги эрозия муаммоси ва ер ости сувлари сатҳи кўтарилган шимоли-ғарбий ҳудудларга шўрланиш муаммосини, “фойдали ўсимликлар”ни ушбу ҳудудда янада кенгайтириш ҳисобига ҳал этиш;

- вилоятнинг электр энергия ва газга бўлган эҳтиёжларини Сирдарё ва Бухора вилоятлари ҳисобига қондирилмоқда. Вилоятимизда бу энергияларнинг муқобил йўллар орқали, яъни қуёш, шамол, сув ва биоресурслардан энергия олиш йўллари билан муаммони ҳал этишиш лозимдир. Бунинг учун аввало вилоят муқобил энергиядан фойдаланишнинг вилоят дастурини ишлаб чиқиш керак. Вилоят дастурининг биринчи босқичи, вилоятимизда табиий ресурсларга бой бўлган ҳудудларни аниқланиш ва карталаштириш бўлса, иккинчи босқичида кичик ва қулай бўлган технология ёрдамида электр энергия ишлаб чиқишга ўтилади;

- вилоят ҳудудидан оқувчи 100 га яқин катта ва кичик сойларни гидрологик ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу сойларни сув режими, ҳажмига пропорционал равишда сув сарфи ҳам ишлаб чиқилади. Сув сарфи, сой сувларининг ҳажмининг 80 % ини ташкил этиш керак;

- вилоят ҳудудида баҳор фаслида сел ҳодисалари бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Шу сабабли ҳам доимий равишда сел оқувчи жойларда селхоналар барпо этиш лозимдир;

- булоқ сувларидан фойдаланишда миллий қадриятларга таянишимиз керак. Ота-боболаримиз томонидан айтилган "булоқ суви муқаддас" деган тушунчани ёшлар онгига сингдириш орқали, булоқларга бўлган муносабатни ўзгартириш лозимдир.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган таклиф ва мулоҳазаларимиз орқали вилоятимизда табиий ва ижтимоий-иқтисодий талабларнинг тенглигига эришиш ва табиатни соф ҳолида келажак авлодга етказиш асосий мақсадимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Alibekov L.A., Nishonov S.A. Природные условия и ресурсы Джизакской области. «O'zbekiston», 1978 у
2. Alibekov L.A. – Landshaftlarni muhofaza qilish. –Т., «Fan», 1985 у
3. Хайдаров, И. М., & Каримов, Н. Р. (2017). Classification of the scientific heritage of Hakim Tirmidhi. In *European research* (pp. 28-31).
4. Hakimov Q.M., G`o`dalov M.R. Jizzax viloyati geografiyasi. Jizzax, Sangzor 2006 у

5. G'o'dalov M.R., Yaxshiboyeva F. Suv resurslaridan rasional foydalanish (Zomin tumani misolida). –T., 2010 y
6. Nematov, O. (2018). Historical and religious monument of muhammad sharif (Mevlanagrekushoh). *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 7(9), 448-452.
7. G'o'dalov M.R., Muxamedov O.L. Tabiatni muhofaza qilish. Muammo va yechimlar. Monografiya. «Ziyo nashr-matbaa»2021 y.
8. Gudalov, M. (2022). Changes in water volume and environmental impact in the Aydar-Arnasay lake system. *Journal of Geography and Natural Resources*, 2(1), 1-9.
9. Gudalov M.R., Janizakov I.S., Janizaqova G.M., Ways to develop Ecotourism in The Molguzar Mountains. *The American Journal of applied Science*. 2020, 11/10.
10. Yunusova, G. D. (2020). AUXILIARY VERBS IN KOREAN LANGUAGE THAT MEAN COMPLETION, PRESERVATION, REPETITION, AND INTENSIFICATION. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(7), 4213-4220.